

“КЕЛИШИЛДИ”

Бектемир туман Фавқулодда
вазиятлар булимининг бошлиги
подполковник **Б.Жураев**

“

2022 й

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Тошкент кишлок хужалик
махсулотлари улгуржи бозори” АЖ
директори **Ш.Х.Рафиков.**

“

2022 й.

“Тошкент кишлок хужалик маҳсулотлари улгуржи бозори”

**Акциядорлик Жамиятининг
ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ТУЗИЛМАЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ**

НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва улар тузиладиган ташкилотларни белгилаш тартиби түғрисидаги Низомнинг ҳамда тузилмаларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш (табеллаштириш) меъёрини тасдиқлаш түғрисида”ги 369-сонли қарори асосида, Бектемир тумани Куйлик Дехкон Бозори АЖ фуқаро муҳофазаси тузилмаларини ташкил этиш тамойилларини, фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тузиш тартибини, уларнинг ташкилий-штат тузилмасини, шахсий таркибини, техника ва мол-мулк билан таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

фуқаро муҳофазаси – ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларни, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими;

фавқулодда вазият – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг хаёт фаолияти шароити изидан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа оғат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат;

фуқаро муҳофазаси хизмати – фуқаро муҳофазаси маҳсус тадбирларини бажариш, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатларини таъминлаш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш мақсадида тузилган функционал бўлинмалар мажмуи;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш – олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини саклашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш – фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини саклашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл кўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тутатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечикириб бўлмайдиган ишлар комплекси;

қутқарув ишлари - фавқулодда вазиятлар зonasida одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини саклаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш

ва уларга хос бўлган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтиришга қаратилган ҳаракатлар;

кутқарув тузилмаси - фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун мўлжалланган, асосини маҳсус техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар ва бошқа кутқарув воситалари билан таъминланган кутқарувчилар бўлинмалари ташкил этган мустақил тузилма ёки кутқарув хизмати таркибиға кирувчи тузилма;

фуқаро муҳофазаси тузилмалари – белгиланган фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажариш учун ўз ходимлари хисобидан ташкилот томонидан ташкил этиладиган штатдан ташқари тузилмалар.

фуқаро муҳофазаси кучлари - фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмлари, кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун тузиладиган умумий ва маҳсус йўналишдаги функционал ва обьект тузилмалари.

2. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари турлари ва вазифалари

3. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари (кейинги матнларда - Тузилмалар) тинчлик ва ҳарбий даврдаги фавқулодда вазиятларда, шунингдек бошқа фуқаро муҳофазаси тадбирларида (кейинги матнларда - Тадбирлар) кутқарув ишларини олиб бориш учун ташкил этилади. Тузилмалар обьект раҳбарига буйсунади.

4. Тадбирларни тузилмалар мустақил ёки кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари, шунингдек ҳарбий даврда жойлардаги ҳарбий қўмондонлик органлари билан ҳамкорликда бажаради.

5. Тузилмалар бўлинади:

вазифасига кўра – умумий йўналишдаги (шикастланиш ўчоғида кутқарув ишларини олиб бориш учун) ҳамда хизматларнинг маҳсус тадбирларни (разведка, санитар пости, ёнгинни ўчириш ва жамоат тартибини саклаш) бажарувчи тузилмаларига;

бўйсунувига кўра – ТТБ тузилмаларига;

тайёргарлик муддатига кўра – юкори тайёргарлик (сигнал олингандан сўнг 6 соатдан кечикмай шай ҳолатга келадиган) ва кундалик тайёргарлик (сигнал олингандан сўнг 24 соатдан кечикмай шай ҳолатга келадиган) тузилмаларига.

6. Тузилмалар доимий асосда фаолият олиб боради. Зарурият пайдо бўлган ҳолатларда Тошкент шаҳри миқиёсида вақтингчалик (10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга) фаолият кўрсатадиган тузилмалар ташкил этилади.

7. Объектда фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларни бажариш учун куйидаги звенолардан иборат Фуқаро муҳофазаси тузилмалари Кутқарув гурухи ташкил этилади:

алоқа звеноси;

разведка звеноси;

кутқарув звеноси;

ёнгин ўчириш звеноси;

жамоат тартибини саклаш звеноси;

санитар пости.

Алоқа звеноси – объект худудида фавқулодда вазият хавфи туғилганда ёки содир бўлганда объект фуқаро муҳофазаси бошлиғига, объект тузилмаларига ва тегишли фуқаро муҳофазаси хизматларига хабар бериш, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари давомида кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун жалб этилган фуқаро муҳофазаси кучлари ҳамда бошқарув органлари ўртасида доимий узлуксиз алоқани таъминлаш учун тузилади;

Разведка звеноси – фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда объект худудида жабрланганларни қидириб топиш мақсадида разведка қилиш ва ўз вактида хабар бериш ишларини амалга ошириш учун тузилади;

Кутқарув звеноси – фавқулодда вазият содир бўлган худудларда одамларнинг хаётини асраб қолиш учун фавқулодда вазиятлар ўчокларидан жабрланганларни олиб чикиш, шунингдек, авария-кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун тузилади;

Ёнғин ўчириш звеноси – фавқулодда вазиятлар оқибатида содир бўлган ёнгинларни чегаралаш ва ўчириш учун тузилади;

Жамоат тартибини саклаш звеноси – фавқулодда вазият содир бўлган худудлардан аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш, фавқулодда вазиятлар ўчокларига фуқаро муҳофазаси кучларини етказиш давомида, объект худудида ва йиғин пунктларида жамоат тартибини саклашда иштирок этиш ва коммендантилик хизматини олиб бориш учун тузилади;

Санитар пости – фавқулодда вазият содир бўлган худудларда санитар-гигиеник тадбирларни олиб бориша иштирок этиш, жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни хавфсиз худудларда жойлашганд шифохоналарга эвакуация қилиш учун тузилади.

3. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларини ташкил этиш ва тўлдириш тартиби

8. Тузилмаларнинг турлари ва шахсий таркиб сони қуидаги омиллардан келиб чиқкан ҳолда аниқланади:

объектда ёки объект худудида юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар;

объектлардаги ишчи ва хизматчилар сони;

объектларнинг бажарадиган вазифалари.

9. Тузилмаларнинг сонини, таркибини ва моддий-техник воситалар билан таъминланиши меъёрларини белгилаш қуидаги тартибда амалга оширилади:

объект тузилмаларининг сони, таркиби ва моддий-техник воситалар билан таъминланиш меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда объект Фуқаро муҳофазаси бошлиги томонидан тасдиқланади;

объект тузилмаларининг ҳисоби ва ташкиллаштириш схемаси мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган.

10. Тузилмаларга объект ишчи-хизматчиларидан ишга яроқли 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар (харбий хизматга мажбуrlар, сафарбарлик кўрсатмаси бўлган, I, II ва III гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ва 8-ёшгача фарзанди борлар, шунингдек ўрта-маҳсус, профессионал ёки олий тиббий маълумотга эга ҳамда 3 ёшгача фарзанди бор аёллар бундан мустасно) қабул қилиниши мумкин.

Тузилмалар таркибига киритилган шахслар авария-кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларда ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича бошқа тадбирларни бажаришда иштирок этишлари мажбурийдир.

11. Тузилмаларни шахсий таркиб, зарур техника ва моддий-техник воситалар билан жамлаш объект Фуқаро муҳофазаси бошлиги томонидан объект маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Таълим муассасалари санитар постлари шахсий таркиби, даволаш профилактика муассасаларида кичик тиббий ходим сифатида фойдаланилиши мумкин. Бунда, таълим муассасалари санитар постларини ўкув буюмларидан ташқари бошқа тиббий буюмлар билан таъминлаш назарда тутилмайди.

13. Объект раҳбари ташкил этилган тузилмаларни замонавий техника, асбоб-анжомлар ва бошқа моддий воситалар билан таъминланишига, касбий тайёргарлиги хамда доимий жанговар шай ҳолатда бўлишлари учун шахсан жавоб берадилар.

4. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларидан тинчлик даврида фойдаланиш

14. Объект фуқаро муҳофазаси бошлиғининг қарори билан тузилмалардан тинчлик даврида йирик ёнғинларга қарши кураш, табиий оғатлар (сув тошқинлари, зилзила ва ҳ.к.), йирик авария ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишда ҳамда ФВДқТ таркибида амалга ошириладиган бошқа тадбирларни бажаришда (қўмондонлик-штаб, маҳсус-тактик, объект ўкув машқларини, аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш юзасидан ўтказиладиган барча тадбирларни амалга оширишда) ҳам фойдаланилади.

15. Тузилмалардан йирик ёнғинларга қарши курашга, табиий оғатлар (сув тошқинлари, зилзила ва шу кабилар) оқибатларини бартараф этишга шахсий таркиб 10 кун муддатгача жалб этилади. Ушбу муддатни узайтириш истисно вазиятларда, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг қарори билан амалга оширилади.

5. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларини техника, асбоб-анжом ва жихозлар билан таъминлаш

16. Тузилмаларни автомобиль ва бошқа техникалар билан таъминлаш, объектда мавжуд техникалар ҳисобидан амалга оширилади. Техникаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари, объект ҳисобидан ташкиллаштирилади.

Тузилмаларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш (табеллаштириш) меъёри мазкур Низомнинг 4-иловасида кўрсатилган.

17. Объект фуқаро муҳофазаси тузилмалари штат ва табеда кўрсатилган бошқа турдаги моддий-техник воситалар билан биринчи навбатда таъминланади.

18. Тузилмалар билан ўкув машғулотлари ва йигинларини ўтказишда ўкув анжомларидан зарурат бўлганда жорий таъминотдаги анжомлардан фойдаланилади.

6. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг шахсий таркибини ижтимоий ҳимоя қилиш

19. Тузилмаларнинг шахсий таркиби табиий оғат, йирик авариялар ва ҳалокатларни ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларни бартараф этишга жалб этилганда бепул озиқ – овқат, вактинчалик турар жой, маҳсус кийим-бош, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш жойларига бориш - келиш учун транспорт билан таъминланади.

Қутқарув ишларини бажаришда қутқарув ишлари бошланишидан улар тугагунигача ўтадиган вақт ҳисобга олинади.

Ўкув йигинларига, фуқаро муҳофазаси машғулот ва машқлари учун белгиланган вақт кундалик жараёнда ички меҳнат тартиби бўйича навбатчилик жадваллари ва бошқа тадбирларга ажратилган вақт деб ҳисобланади.

20. Тузилмалар таркибидаги шахсларга табиий офат, йирик авариялар ва ҳалокатларни, ўрмон ёнғинларини ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш вактида асосий иш жойидан ўрта хизмат маоши тўланади, ўриндошлиқ иши бўйича ҳам ўртача маош тўланади.

Тузилмалар таркибидаги шахсларга қутқарув ишларини олиб боришда олинган тан жароҳатлари учун ҳамда уларнинг оила аъзоларига бокувчисини йўқотганинг ҳолларда пенсиялар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари асосида тайинланади.

21. Қутқарув, разведка ва ёнғин ўчириш звенолари аъзоларининг хаёти ва соғлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 июнданги “Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг хаёти ва соғлиғини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги 166-сонли қарори асосида мажбурий сугурталанади.

22. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари обьект маъмурияти ва меҳнат жамоаси ўртасида тузилган жамоа шартномаларида белгиланади.

7. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳисобини юритиш

23. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳисобини юритиш шакллари мазкур Низомнинг З-иловасида кўрсатилган.

24. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳисоби обьект фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

8. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тайёргарликдан ўтказиш

25. Объект шахсий таркибини ўқитиш ва тузилмаларни тайёргарликдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёrlаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли қарори асосида амалга оширилади:

Объект ва тузилмалар раҳбарлари – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида ва қўмондон-штаб машқларини ўтказиш даврида;

тузилмалар шахсий таркиби – обьектда, тайёrlаш режалари доирасида тегишли дастурлар бўйича, шунингдек маҳсус-тактик ўкув машғулот ва машқларда.

26. Фавқулодда вазиятлар ўчоқларида қутқарув ишларига бевосита жалб этиладиган куйидаги звеноларнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июлдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги 184-сонли қарори асосида мажбурий тартибда аттестациядан ўтказилади:

қутқарув звеноси;

разведка звеноси;

ёнғин ўчириш звеноси.

9. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг шайлиги

27. Тузилмаларни шай холатга келтириш режаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда объект фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

28. Тузилмаларнинг шайлигини текшириш тегишли органлар билан келишилган ҳолда қуидагилар томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғи, Фавқулодда вазиятлар вазири ва унинг ўринbosарлари шахсан ёки уларнинг топширикларига асосан, бошқа шахслар томонидан.

29. Тузилмаларнинг шайлиги ўкув машғулотларида, фуқаро муҳофазаси ўкув машкларида, мусобақаларда, кўрик ва бошқа тадбирларда текширилади.

Тузилмаларнинг шайлигини текширишда қуидагилар аниқланади:

тузилмаларни тузиш бўйича ҳисобларнинг асосланганлиги;

тузилмаларнинг шайлиги ва уларнинг фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этиш қобилияти;

тузилмаларнинг ташкилий тузилмаси, объектнинг ишлаб чиқариш фаолиятига, бажариладиган вазифалар хажмига ва турига мувофиқлиги;

тузилмаларнинг шахсий химоя воситалари, техника, асбоб-анжомлар ва воситалар ҳамда маҳсус кийим-кечак билан таъминланганлиги, уларни саклаш тартиби ва улардан фойдаланишга шайлиги;

тузилмаларнинг йигини, уни белгиланган жойга ёки ишларни бажариш, объектга етиб бориш вақти.

Объект фуқаро муҳофазаси бошлиғи йиллик режа асосида, тузилмаларни белгилаган вақтда йигиш ва шай холатга келтириш бўйича машғулотлар ўтказиб боради.

Назорат текширувларида тузилмаларнинг шайлиги қуидагича баҳоланади:

“Тайёр”:

тузилмаларнинг штати 90 % дан кам бўлмаган қисми жамланган;

тузилмалар 85 % дан кам бўлмаган миқдорда меъёрда белгиланган асбоб-анжомлар ва техникалар билан таъминланган;

тузилмаларнинг фаолиятини ташкилаштириш бўйича 85 % дан кам бўлмаган зарур меъёрий хужжатлар талаб даражасида ишлаб чиқилган;

“йигин” сигнали бўйича 85 % дан кам бўлмаган шахсий таркиб ва техника белгиланган вақтда йигилган.

Агар, қайд қилинган кўрсатгичлардан иккитаси ёки ундан ортиғи кўрсатилганлардан кам бўлиб қолса, баҳо “Тайёр эмас”гача пасайтирилади.

“Чекланган тайёр”:

тузилмаларнинг штати 65% кам бўлмаган қисми жамланган;

тузилмаларнинг 65% дан кам бўлмаган шахсий таркиби ўз хизмат вазифаларини тўлиқ билади;

тузилмалар 65 % дан кам бўлмаган миқдорда меъёрда белгиланган асбоб-анжомлар ва техникалар билан таъминланган;

тузилмаларнинг фаолиятини ташкилаштириш бўйича 65 % дан кам бўлмаган зарур меъёрий хужжатлар талаб даражасида ишлаб чиқилган;

“йигин” сигнали бўйича 65 % дан кам бўлмаган шахсий таркиб ва техника белгиланган вақтда йигилган.

Агар, қайд қилинган кўрсатгичлардан иккитаси ёки ундан ортиғи кўрсатилганлардан кам бўлиб қолса , баҳо “Тайёр эмас”гача пасайтирилади.

“Тайёр эмас”:

тузилмаларнинг штати 65% дан кам бўлган ҳолда жамланган;

тузилмаларнинг 65% дан кам бўлган шахсий таркиби ўз хизмат вазифаларини тўлиқ билади;

тузилмалар 65 % дан кам бўлган миқдорда меъёрда белгиланган асбоб-анжомлар ва техникалар билан таъминланган;

тузилмаларнинг фаолиятини ташкилаштириш бўйича 65 % дан кам бўлган зарур меъёрий хужжатлар талаб даражасида ишлаб чиқилган;

“йигин” сигнали бўйича 65 % дан кам бўлган шахсий таркиб ва техника белгиланган вақтда йигилган.

10. Табиий оғатларни, йирик авария ва ҳалокатни ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш тадбирларни молиялаштириш

30. Йирик авариялар ва ҳалокатлар, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш тадбирларни молиявий ва моддий таъминоти обьект ҳисобидан ва қонун хужжатлари билан таъқиқланмаган манбалардан амалга оширилади.

31. Кўрсатилган маблағлар етишмаганда ёки мавжуд бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг резерв фондидан ажратилади.

